# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 54 (9.704) 2002 йил 10 май, жума ◆ Сотувда эркин нархда


# Хотира – муқаддас, қадрлаш эса бурчдир






**Бир неча йилки, Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонига биноан, мамлакатимизда 9 май Хотира ва Қадрлаш куни сифатида кенг нишонланмоқда. Бу йил мазкур байрам Қарияларни қадрлаш йилида нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Хотира ҳам, Қадр ҳам, аввало, кекса авлод ҳаётига эҳтиром билан боғлиқ тушунчалардир.**

9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдони одамлар билан янада гавжум бўлди. Эрта тонгданоқ бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари, қалбида нуронийларга, ўтган авлодлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром жўш урган ёшлар йиғилди. Майдон узра сокин мусиқа садоси ёйилади.

Майдонга кириб келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маросимга йиғилганлар билан бирма-бир саломлашиб, ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида, Ватан равнақи ва озодлиги йўлида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди.

— Хотира ва қадрлаш халқимизга хос, миллий ўзлигимиз, урф-одатларимиз билан чамбарчас боғлиқ муқаддас тушунчалардир, — деди давлатимиз раҳбари журналистлар билан суҳбатда. — Шунинг учун бугун нишонлаётганимиз Хотира ва Қадрлаш куни мамлакатимиз ҳаётида ўзига хос ўрнини топган халқона маросим бўлиб қолди.

Вазирлар Маҳкамаси мазкур байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши фахрийларини рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу давлатимиз томонидан уларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, нуронийларимизнинг ҳар доим диққат-эътиборда эканини кўрсатувчи хайрли ишлардан бири бўлди.

— Бугун кўплаб мамлакатларда Ғалаба куни кенг нишонланаяпти, — деб гапида давом этди Президент. — Ҳарбий параду бошқа дабдабали маросимлар ўтказилмоқда. Бироқ эътиборингизни масаланинг бошқа томонига қаратмоқчиман. Бундай ҳарбий парадлар, ўз кучини намойиш этишлар, истайсизми-йўқми, барибир, яна уруш нафасини эслатади. Шунинг учун, имоним комилки, бир кун келиб ўша давлатларда ҳам Ўзбекистондаги каби эзгу маросимлар пайдо бўлади. Зеро, хотира абадийдир. Ўтганлар ёдини эсда сақлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром бажо этиш авлодлар учун ҳам қарз, ҳам фарзлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор. Инсон бор экан, хотира ва тарих мангудир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, иккинчи жаҳон уруши кўпчилик мамлакатлар қатори юртимизга ҳам оғир кулфатлар келтирди. Ўша йилларда 1,5 миллион ўзбекистонлик қўлда қурол билан жанггоҳларга отланди. Шу ўринда Юртбошимиз бир рақамга эътиборни қаратди. Ўша йиллари Ўзбекистоннинг умумий аҳолиси 6,5 миллионни ташкил этган. Агар аҳолининг ярми эркаклар (улар орасида вояга етмаган ўғил болалар, кексалар бор) деб қарасак ҳам, бу адолатсизлик ва даҳшатнинг моҳиятини чуқур англашимиз мумкин. Бунинг устига, урушга кетганларнинг қарийб ярим миллиони она юрт тупроғидан узоқларда жон берган. 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунида уларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтириш билан бирга, шаҳидлар ортида қолган миллион-миллион кишиларга ҳам эҳтиром кўрсатилади. Шунингдек, халқимиз эрки — Истиқлол йўлида жон фидо қилганлар ҳам ҳар доим ёдимизда бўлади.

Хорижий давлатларда ватандошларимиз тақдирига дахлдор кўплаб ашё ва архив ҳужжатлари сақланмоқда. Бу ҳужжатларни юртимизга қайтариш борасида муайян ишлар амалга оширилаяпти. Шу мақсадда махсус комиссия тузилган. Ислом Каримов мазкур масалага тўхталар экан, биз бу ҳужжатларни қайтариб олиш учун барча ишни қиламиз, деди.

Ислом Каримов шу ерда бир гуруҳ зиёлилар билан ҳам суҳбатда бўлди.

— Неча йилдан бери бошимизда қора кўланка солиб турган кучларнинг пайи қирқилди, — деди Президентимиз. — Аммо, бир зум бўлсин, биз бепарво бўлмаслигимиз керак. Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш биз учун доим долзарб масала бўлиб қолаверади. Бу йўлда биз доим миллий манфаатларимиз учун устувор бўлган сиёсатни юргизаверамиз.

Хотира майдони кун бўйи одамлар билан гавжум бўлди. Мотамсаро она ҳайкали пойи эса гулларга бурканди. Майдондан Ватан равнақи ва юрт озодлиги йўлида жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш умидида бўлган зиёратчиларнинг қадами кечгача узилмади.

— 1941 йилда урушга кетиб, — дейди зиёратчилардан бири Мадамин бобо Ҳасанов. — Россия, Беларусь, Болтиқбўйи республикалари, Польша, Германия каби мамлакатларда жанг қилдим. Бугун ўша суронли йилларда мен билан бир сафда бўлган, қирғинбарот жанглардан қайтмаган қуролдошларим, юртдошларимни хотирладим. Шундай озод ва эркин юртда яшаш бахтига муяссар бўлаётганим учун Яратганга шукроналар айтмоқдаман. Президентимизнинг бу йилни Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилгани ва фахрийларга, умуман, нуронийларга кўрсатаётган доимий эътибори кўнглимизни янада кўтаради.

Президентимиз таъкидлаганидек, Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлаш ўтганлар руҳини шод этиб, кексаларнинг ҳурматини жойига қўйиш билан бирга ёшлар қалбида ота-боболаримиз жасоратининг қадрига етиш, она Ватанга, халққа муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, шу юртга, шу халққа муносиб фарзанд бўлишдек эзгу туйғуларни сингдиришдан ҳам иборатдир.

**(ЎзА)**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Герхард Шрёдернинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланди. **Бугун** Дўрмон қароргоҳида ҳар иккала мамлакатнинг ўзаро алоқаларини янада кенгайтириш юзасидан музокаралар бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда янги «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси муҳокама қилинди.

● **Кеча** Хотира ва Қадрлаш куни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейида уруш фахрийлари билан учрашув бўлиб ўтди.

● Пойтахтимиздаги «Нуроний» шифохонасида Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан бу ерда даволанаётган юздан зиёд Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига эҳтиром кўрсатилди.

● Жиззахда яна бир сўлим маскан— «Боғишамол» дам олиш оромгоҳи ишга туширилди. Янги оромгоҳнинг илк меҳмонлари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари бўлди.

● Республика Бадиий академиясининг кўргазмалар залида уруш ва меҳнат фахрийлари бўлган мусаввирларнинг асарлари кўргазмаси очилди.

● Қўқоннинг энг латиф гўшаси— Муқимий номли истироҳат боғида 500 дан зиёд уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

● Пахта бўйича Халқаро Маслаҳатлашув Комитети (ПХМК) Доимий қўмитасининг навбатдаги ялпи мажлиси биринчи маротаба Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасида бўлиб ўтди. Унда дунёнинг турли мамлакатларидан ПХМК Доимий қўмитасининг 30 дан зиёд аъзоси иштирок этди.

● **Бугун** республикамизнинг кўзга кўринган таэквондочилари Гулистонда тўпланишади. Бу ерда Монголияда ўтказиладиган Осиё чемпионатига борадиган спортчилар аниқлаб олинади.

### Жаҳонда

● Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва АҚШ Президенти Жорж Буш телефон орқали гаплашдилар. Унда халқаро масалалар билан биргаликда террорчиликка қарши кураш хусусида ҳам фикр алмашилди.

● АҚШнинг мартабали аёли Лора Буш хоним 13 майдан 22 майгача Европа бўйлаб сафарга чиқишга қарор қилди. У Франция, Венгрия ва Чехияда бўлиб, сафарини Германиянинг Берлин шаҳрида якунлайди.

● Сухумида Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ишчи гуруҳининг мажлиси бошланди.

● **Кеча** Ғалаба байрамини нишонлашаётган пайтда, яъни эрталаб соат 9 дан 45 дақиқа ўтганда Доғистоннинг Каспийск шаҳрида юз берган кучли портлаш оқибатида 29 киши ҳаётдан кўз юмди. Террорчилик акти натижасида ҳаммаси бўлиб 137 киши жабрланди.

● Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ташаббуси билан ташкиллаштирилган Абхазия —Грузия «хавфсизлик бўйича ишчи гуруҳи»нинг Сухумида бўлиб ўтган навбатдаги учрашуви самарасиз якунланди.

● Сибирь федерал округига қарашли ўрмонларда бир неча кундирки ёнғин давом этмоқда. Ёнғин майдони кенгайиб 1,5 минг гектарга етди. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Сибирь ҳудудий маркази берган маълумотларга кўра, ёнғинга қарши курашга 400 нафар десантчи, ўнлаб техника сафарбар этилган.

● Исроилнинг Хайфа шаҳрида яна бир фожеа юз берди. Ички кийимлари орасига портлатувчи қурилмаларни боғлаб олган номаълум кимса бильярд ўйналадиган клубга кириб, ўзини портлатиб юборди. Натижада 15 киши ҳалок бўлди, 60 киши қаттиқ жароҳатланди.

# «Ҳавас» кортга чорлади

**Кейинги йилларда мамлакатимизда спортнинг ҳаммабоп ва нафис тури бўлмиш теннис кенг ривожланаётгани қувонарли ҳолдир. Шаҳримизда самарали фаолият кўрсатаётган кўплаб теннис клубларидан И.Тўлаганова, Ф.Дўстов, М.Иноятов, В.Лепченко, О.Омонмуродова каби кўплаб ёш юлдузлар етишиб чиқмоқда.**

Республикамизда фаолият кўрсатувчи раҳбар ходимлар ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган «Ҳавас» мусобақалари эса соғлиқни мустаҳкамлаш, иш унумини ошириш борасида бебаҳо омил бўлмоқда.

**БУГУН** шаҳримиздаги «Динамо» теннис кортларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, вазирлар, вилоятлар ҳокимлари иштирокида навбатдаги «Ҳавас» мусобақалари бошланди. Мусобақанинг очилишида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов меҳмонларни қутлаб, уларга омад тилади. Турнир баҳслари одатдагидек, якка тартибдаги теннисчилар ва жуфтликлар ўртасида бўлиб ўтади. Ғолиблар кўчма кубок, шунингдек турли-туман махсус совғалар билан тақдирланади. «Оқшом» газеталари таҳририяти ҳам ўзининг «Энг олисдан келган иштирокчига» махсус совринини топширади.

«Ҳавас» мусобақаси эртага ўз ниҳоясига етади.

**(Ўз мухбиримиз)**

ТЕННИС



# Сўранг, жавоб берамиз

***Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш оқибатлари ҳақида маълумот берсангиз.***

*Н.Усмонова.*

Ота-оналик ҳуқуқи чекланган ота-она болани шахсан тарбиялаш ҳуқуқидан, шунингдек болали фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Ота-оналик ҳуқуқининг чекланиши ота-онани болага таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ота-онаси (улардан бири)нинг ўзига нисбатан ота-оналик ҳуқуқи чекланган бола турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади, шунингдек ота-она ва бошқа қариндошлари билан туғишганлик фактига асосланган мулкий ҳуқуқларини, шу жумладан мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Ота-оналик иккаласининг шундай ҳуқуқи чекланган тақдирда бола васийлик ва ҳомийлик органи қарамоғига берилади.

* * *

***Мен ўзимга тегишли бўлган шахсий автомашинани қизимга ҳадя қилмоқчи эдим. Бунинг учун қаерга мурожаат қилишим керак?***

*Б.Қодиров.*

Ўзингизга тегишли автомашинани қизингизга ҳадя қилмоқчи бўлсангиз, ўзингизга яқин нотариал идорага мурожаат этиб, автомашинанинг ҳадя шартномасини расмийлаштиришингиз мумкин.

* * *

***Уй-жойимиз планини янгиламаганимизга 20 йилдан ошди. Янги қурилишлар бўлгани йўқ, лекин уй ҳужжатларини ҳам янгилаб туриш керакми, ёки у фақат бирор ўзгариш бўлганда янгиланадими?***

*А.Ҳидоятов.*

Уй-жойингиз планини янгиламоқчи бўлсангиз, бу масалада ўзингиз истиқомат қилаётган туман ҳокимиятига қарашли уй-жой назорати ишлаб чиқариш инспекцияси (БТИ)га мурожаат этишингиз лозим.

* * *

***Менинг фарзандим ФҲДЁ идорасида қайд қилинмаган. Унинг отаси эса олдинги оиласига кетиб қолган. Фарзанди учун ҳеч қандай ёрдам бермаётган отани судга беришим мумкинми?***

*Х.Турсунова.*

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 10-боб, 62-модда, 2-қисмига мувофиқ, оталикни суд тартибида белгилаш ота-онадан бирининг ёки боланинг васийси (ҳомийси)нинг ёхуд фарзанд кимнинг қарамоғида бўлса, ўша шахснинг аризасига, шунингдек, бола вояга етганидан кейин унинг ўзи берган аризасига кўра амалга оширилади.

Демак, сиз ариза билан судга мурожаат қилинг. Суд тегишли равишда қарор чиқариб отаси белгиланади. Шундан кейин суд томонидан отанинг вояга етмаган болаларига алимент тўлаши тегишли тартибда ҳал қилинади.

* * *

***Ўғлим 10 ёшга қадам қўйди. Лекин бўйи яхши ўсмаяпти. Боланинг бўйи ўсиши учун қандай маслаҳат берасиз. Қадимда ота-боболаримиз қўллаган усуллардан бирontасини айта оласизми?***

*У.Ҳамидова.*

Албатта табиий мевалар орасида жийда бўй ўстириш хусусиятига эга эканлиги аниқланган. В1, В2, РР, Е витаминларига бой бўлган ушбу неъмат турли хасталикларни даволашда ҳам қўл келади. Унинг дамланмаси айниқса, фойдали. Дамламани тайёрлаш учун усти ёпиқ идишга бир ярим литр сув қуйиб, 50 грамм жийда меваси солинади ва бироз қайнатилади. Кейин ундан кунига овқатдан кейин икки ош қошиқ ичиб турилади. Айниқса, қиш ва кўклам пайтлари бунинг фойдаси жуда катта.

**Жавоблар Юнусобод туман 6-Давлат нотариал идораси нотариуси Икромжон Исмоилов ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.**

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 136-55-83 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

## Хиёбондаги нохуш манзара

Хиёбон нима учун, ким учун бунёд этилади? Ҳа, баракалла, одамлар сайр қилиб ҳордиқ чиқариши учун. Лекин сиз кўнгиллаб келган бу маскан ўз номига, ҳуснига мос бўлмаса-чи? Масалан, хиёбонга салқинлик бағишлаб, жилдираб сув оқиб туриши учун мўлжалланган ҳар икки томондаги бетон ариқлар сув ўрнига ташландиқлар билан тўлиб ётса, нима дейсиз? Буниси ҳам майли, лекин хиёбоннинг ўзи, йўлкалари ифлос, у ер-бу ерида ахлат уюмлари «қад» кўтарган бўлсачи? Билиб турибмиз, борган сари табиатингиз хира тортиб, бу қайси хиёбон экан, деган савол тобора сизни қизиқтираяпти.

Келинг, ҳадеб асабингизни бузмай, айтсак айта қолайлик. Афсуски, бу хиёбон сиз ўйлаганчалик шаҳримизнинг бирон-бир чеккасида эмас, балки униng деярли марказида жойлашган. Албатта, сиз бир томони «Зарафшон» мажмуаси, бир томони «Алп-Жамол» банки, «Ардус», супермаркет дўкони, «Шарқ зиёкори», рус драма театри жойлашган Камол Отатурк кўчаси бўйлаб юргансиз. Ўшанда шубҳасиз кўзингиз шу томондаги хиёбонга тушган. Эҳтимол, бироз ҳордиқ чиқариш учун у ерда сайр қилиб, дам олишингизга тўғри келгандир. Хиёбон ўртасидаги фавворачалардан отилиб турган зилол сувдан баҳраманд бўлиб, яшиллик қўйнида мазза қилгандирсиз. Шундай гўзал масканда жойлашган бу хиёбон бугунги кунга келиб, ўз ҳуснини тобора йўқотиб бораётганлиги кишини ташвишга солади.

Яқинда биз ҳам бу ерда бўлганимизда бир қатор нохуш манзараларга дуч келдик. «Алп-Жамол» банкидан бироз юриб, Матбуотчилар кўчасига бурилиш жойида каттагина ахлатхонага дуч келдик. Кўчани кесиб ўтиб, хиёбон ёқалаб бораётиб, супермаркет дўкони рўпарасида пайдо бўлган қўлбола чуқурчага кўзимиз тушди. Барака топкурлар уни ҳам ахлат билан тўлдирибди. Рус драма театри тўғрисида яна бир ахлатхона. Хиёбоннинг у бошидан бу бошигача учта ташландиқ уюмлар-я?! Ён томондаги бетон ариқ ичида нималар йўқ дейсиз. Уларни бирма-бир санаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Хиёбон оралаб кетган йўлкачалар ифлос. Ора-чўра синган шох-шаббалардан пайдо бўлган ахлатхоналарга кўзингиз тушади.

Хиёбоннинг Республика фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси биносидан бошлаб «Шарқ» матбаа концерни босмахонаси томон қисмидаги узунасига кетган бетон ариқнинг ҳолига вой. Не ниятлар билан қурилган ариқ ўз вазифасини бажариш ўрнига ташландиқхонага айланибди. Шу яқин ўртада уни тозалаш имконияти топилмаса, ушбу ариқ ахлатга тўлиб чиқиши ҳеч гап эмас.

Биз Бухоро кўчасини кесиб ўтиб, хиёбоннинг нариги томонига бормадик. Сабаби у томон бошидаги шох-шабблар билан катталашган чиқиндиларга кўзимиз тушиб табиатимизни баттар хира қилишни истамадик. Хуллас, бор гап шу. Хиёбон ночор аҳволда. Юқорида айтилганлардан қандай хулоса чиқариш тегишли ташкилотлар эътиборига ҳавола. Ҳар қалай гавжум бинолар, одамлар серқатнов жойдан ўрин олган бу хиёбон тез кунларда тартибга келтирилишидан барча қатори биз ҳам умидвормиз.

## Ҳар ким қўлидан келган ишни қилса...

Ҳузуримизга башанг кийинган ўрта ёшлардаги бир киши кириб келди. Оддий ўзбекона одобларнинг барчасини четлаб ўтиб, рўпарамиздаги стулга ўтирди.

— Келинг, хизмат, — деймиз унга.

— Мен ҳикоянависман, — дея таништирди у ўзини мағрурона тутиб, — бир ҳикоя олиб келган эдим, шуни газетангизда тезроқ чоп этсангиз.

— Олдин ўқиб кўрайликчи, маъқул келса чоп этиш қочмас.

Вақтимиз тиғиз бўлишига қарамай беш қоғоздан иборат бўлган ҳикояни синчковлик билан ўқиб чиқдик. Очиғи, у бошдан-оёқ сафсатабозликдан иборат бўлиб, жанр талабига мутлақо жавоб бермасди.

Ҳикоянинг ҳали хомлиги, у матбуотда эълон қилиш даражасига етмаганлигини ётиғи билан муаллифга тушунтирдик.

— Майли, — деди у бироз асабийлашиб, — у ер-бу ерига қўл теккизсангиз ҳам розиман.

— Тушуниг, биродар, сиз айтгандек бўлса, бажонидил ёрдамлашардик. Бироқ, бу билан иш битмайди. Ҳикояни бутунлай қайтадан ёзишга тўғри келади.

Шу гапдан кейин муаллиф ҳикояни қўлимиздан тортқилаб олди. Кейин бизга қараб удағайлай бошлади:

— Шундай сермазмун асарни йўққа чиқаришга нима ҳаққингиз бор? Сиз босмасангиз бошқа газеталар жон деб босишади ўз саҳифасида.

— Майли, бизга ишонмасангиз бошқаларга кўрсатиб кўринг.

У қандай келган бўлса шундай чиқиб кетди. Шу дамда хаёлимдан бир донишманднинг: «Қўлингдан келган ишни қил, келмаганига уринма», деган сўзи ўтди.

Билмадим, ўз наздида бу «ҳикоянавис» ушбу «асари» билан яна қанча-қанча кишиларнинг қимматли вақтларини олиб, асабини бузаркин?

## Трамвай кутиб

Метронинг Юнусобод йўналишининг очилиши узоғимизни яқин қилди. Лекин бу йўналиш тўлиқ ишга тушмагани учун ҳали ҳам бу томонда яшовчиларнинг ер усти жамоат транспортига бўлган талаби катта. Шуни ҳисобга олиб шаҳарнинг турли чеккаларидан Юнусободга қатновчи жамоат транспортларининг сони ёки йўналиши камайтирилмади. Троллейбус, автобуслар эл хизматига камарбаста бўлиб турибшибди. Лекин 25, 28-трамвайлар қатновидаги фарқ кескин сезилиб қолди. Шу туфайли кўпинча йўловчилар бу трамвайларни бекатларда ярим соатлаб, балки ундан ошиқ муддат давомида кутиб қолишадиган бўлишди. Яқинда ўзимиз ҳам бунинг шоҳиди бўлдик.

«Олой» бозори бекатида 25-трамвайни роса ярим соат кутдик. Бу орада 2, 3-трамвайлар 3-4 мартадан келиб-кетди. Ниҳоят биз кутган 25 ҳам узоқдан тошбақа юриш қилиб кела бошлади. Салонга чиқиб олгач ҳайдовчидан сўрадик.

— Оралиқ масофа нега бунақа узоқ?

— Билмайман, бошлиқлардан сўранг.

— Сал тезроқ юришнинг иложи йўқми?

— График бор. Шу бўйича ҳаракат қиламиз.

Ортиқча саволга ҳайдовчининг хуши йўқлигини сезиб, индамадик. Энди бутун умид «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси раҳбариятидан. Қани кўрайликчи, улар бу масалага қандай қарашар экан?

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

# «02»: ҲОДИСАЛАР

◆ Акмал Икромов тумани, Шарқ кўчасида яшовчи И. Т. исмли шахс Чилонзор даҳаси Г 9А уйининг олдида шу ерда истиқомат қилувчи С. Сапангин билан тортишиб, сўнгра ўзини идора қила олмай, уни уриб тан жароҳати етказади. Бурун суяги синиб, чап кўкрак қафаси лат еган жабрланувчи тез ёрдам машинасида касалхонага ётқизилди. Айбдор эса энди қилмишига яраша жазосини олади.

◆ Шайхонтоҳур тумани ИИБ ходимлари ўтказилаётган «Тозалаш» тадбири давомида «Чорсу» бозори ҳудудида гиёванд моддалар билан олди-сотди қилмоқчи бўлган шахсни аниқладилар. Ёнидан 0,1698 грамм героин моддаси топилган Шомаҳмудов кўчасида яшовчи, аввал ҳам судланган М. И. исмли бу кимсанинг яна қонун олдида жавоб бериши аниқ.

◆ Мирзо Улуғбек тумани, Ҳабиб Абдуллаев кўчасида жойлашган «Жасорат» боғи олдида аввал судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган А.П. исмли шахс томонидан талончилик жинояти содир этилганлиги тўғрисида ИИБга хабар тушди. Милиция ходимларининг тезкорлик билан қилган саъй-ҳаракатлари натижасида, Лашкарлар кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Р.Э.нинг қулоқларидаги зиракларни юлиб олиб қочган ушбу жиноятчи қўлга олинди.

◆ Мирободтумани ички ишлар ходимлари томонидан рангли металларни ўғирлаб пулламоқчи бўлган икки шахснинг фаолиятига чек қўйилди. Ўз манфаатларини ўйлаб шундай қинғир ишлар орқали мўмай даромад қилишни кўзлаган Мальков кўчасида яшовчи С.Ш. ва Фарғона йўли кўчасида яшовчи Ф.С.ларнинг фикри-хаёли «Ўзтемирйўлтаъмирлаш» бирлашмасидан мисдан ясалган 15 килограммлик буюмларни қандай бўлмасин қўлга киритишда эди. Икковлон ўзаро реже тузидилар-да, ушбу матоҳларни ўмариб кетдилар. Аммо бугунги кунда ниятлари чиппакка чиқиб, қилмишларидан пушаймон чекмоқдалар.

◆ Яккасарой тумани, Бошлиқ мавзесида истиқомат қилувчи А. Саиданинг хонадонидан 2 дона «Панасоник» русумли телефон аппаратини ўғирлаб кетаётган шахсни милиция ходимлари ушладилар. Осойиштлик посбонлари қўлига тушган Қўйлиқ-2 даҳасида яшовчи Ш.Ю. ўлжаси билан ИИБ навбатчилик қисмига келтирилди.

◆ Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш-2 даҳасида яшовчи М.К деган кимса ўз қўшниси В. Аристовнинг уйига меҳмонга келади. Мезбон билан ўтириб отамлашиб олган меҳмон маълум вақт ўтгач, унинг ухлаб қолганидан фойдаланиб, жавонида турган 100 АҚШ долларини чўнтагига солиб, жуфтакни ростлаб қолади. Воқеа жойида ҳозир бўлган милиция ходимларининг суриштирувларидан сўнг, ўғри топилиб, у айбига иқрор бўлди.

◆ Мирobod тумани ҳудудидаги Афросиёб кўчасида жойлашган «Шевроле» автосалонидан нархи 80000 сўмлик велосипед ўғирланганлиги тўғрисида туман ИИБга хабар келиб тушди. Ушбу жиноят иши юзасидан тезкор ходимлар жалб қилиниб, қисқа вақт оралиғида жиноятчи аниқланди. Манзилга тезда етиб олиш учун ушбу велосипедни ўмарган, Усмон Носир кўчасида яшовчи Д. А. исмли йигит энди қилмишидан пушаймон қилмоқда.

***Самариддин ХАЛИЛОВ,***
***Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази нозири.***

